

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**600** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сечанкўл, Оқжар ва Чимбой инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш, шунингдек Урга, Оқчалак ва Чандир гуруҳи конларини қазиш» инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 сентябрдаги ПҚ–2607-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақаси Урга, Куаниш ва Оқчалак гуруҳи конларига доир маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги Битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 26 мартдаги ПҚ–1081-сонли қарори ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақаси Урга, Куаниш ва Оқчалак гуруҳи конларига доир маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги Битим бўйича ишларни амалга ошириш механизми тўғрисида» 2009 йил 3 июндаги ПҚ–1121-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат геологи ва минерал ресурслар қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иштирокида бир ой муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ф. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 декабрь,
ПҚ–2695-сон